Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# ЎЗБЕК ИШИ



ҳикоя

Давоми. Боши ўтган сонларда

— Айбланувчи Жумановни сўроққа!

Корягин «Дело»ни ғижиниш аралаш ҳафсаласизлик билан варақлади. «Жуманов... Жуманов... Жонга тегди! Пора олиб, пора бергани факт! Қўшиб ёзгани, амалини суиистеъмол қилгани — факт! (149, 152, 149-прим моддалар.) Бўйнига олмайди, вассалом! У ёқда группа бошлиғининг дағдағаси. «Бир ҳафтада бўйнига қўясан, беш кунда показание оласан...» Айтишга осон! Одамга ўхшаб ишлайдиган алоҳида кабинетинг бўлмаса, айбдорни сўроққа шаҳарнинг нариги бошидан конвой олиб келса... Устига-устак мана бу дўзах жазирамаси!.. Ўмарилган қанча милионлар давлатга қайтарилди. Ҳали яна қанчаси топиларкин! Битта кондиционер қўйиб берса ҳаққи кетади буларнинг!»

Жаҳл билан бориб, деразани очди. Юзига иссиқ ҳаво урилди.

Кунботар палласи. Қилт этган шамол йўқ. Рўпарада томи қуббали аллақандай кўҳна бино. Қалдирғочлар визиллаб учиб юборди. Пастда тор ҳовли. Бешинчи қаватдан қараган одамга ҳовли янаям кичрайиб, каталакдек кўринади. Ўртада қирғоғи цементланган ҳовуз. Ҳовуз бўйида бир туп арча. Япроқларига чанг қўнавериб сарғайиб кетган. Қисматидан нолигандек, мунғайиб турибди.

«Қаёқдан келиб қолдинг бегона бу юртларга, биродар!» Василий Степановичнинг кўз ўнгида тағин Подмосковье ўрмонлари жонланди. Наташенькани соғинганини шу қадар чуқур ҳис этдики, кўксининг чап бурчи санчиб кетгандек бўлди. Қизиқ, аввал ҳам хизмат тақозоси билан узоқ сафарларда кўп бўлган. Лекин қизалоғини ҳеч қачон бунчалик соғинмаган эди. «Оля нима қилаётган экан?» Шу пайтгача хаёлига келиши билан ҳайдаб солишга уринган кўнгилсиз хотирот тўсатдан бутун тафсилоти билан ёпирилиб келди.

Ольга «бошқа туғмайман», деганига қарамай тағин бўйида бўлиб қолди. (Эр-хотин ҳарчанд эҳтиётини қилишса ҳам.) Ўшанда Наташенька, чамаси уч ёшларда эди... Корягиннинг ўзига қолса Оленьканинг туғишини хоҳларди. (Балки ўғил бўлар... Ҳар қандай эркакнинг кўнглида ўғил кўришдек эгоистик орзу бўлади.) Бир куни кечаси (эсида, қаҳратон қиш эди) Наташенька ухлагач, эр-хотин ётишганида Корягин «яна битта туғсанг ҳеч нима қилмайди», деган маънода гапирди. Ольга талай фурсат жим ётди-да, тўсатдан «ёрилди». «Василий, — деди босиқлик билан. — Сен ҳалол одамсан. Шунинг учун алдашни хоҳламайман. Эсингдами, бировни севиб қолсам, сендан яширмайман, дегандим... Шундоқ бўлиб қолди. — Жавоб кутгандек бир лаҳза жимиб қолди. Эридан садо чиқмагач, чуқур сўлиш олди. Дона-дона қилиб тушунтирди. — Энди, билдимки, у севишга арзимас экан!.. Хотиржам бўл, эртага абортга бораман».

Корягин рўй берган воқеанинг бутун даҳшатини энди тушуниб етгандек, сапчиб турди. «Демак сен... сен... — деди энтикиб. — Айт! Ким ўша иблис?!» «Бўкирма, Наташенькани қўрқитиб юборасан. — Ольга ниҳоятда хотиржам алпозда дашном берди. — Қизиқ одамсан, Вася, — деди деярли эркалаб. — Хўш, ўша «иблис» кимлигини айтсам, қўлингдан нима келарди? Дуэлга чақирасанми? Ё бориб сўйиб келасанми? — Яна чуқур сўлиш олди. — Ўзим аҳмоқман! — деди ўкинч билан. — Виждоним олдида пок бўлай деб... — Овозида қатъият билан таъкидлади. — Хотиринг жам бўлсин! Энди бунақа «иш» такрорланмайди... Ажрашамиз десанг, ҳозироқ развод бераман. Ахир биз замонавий одамлармиз-ку, Василий... Қизингдан кўнглинг тўқ бўлсин. Наташенька ўзимга тан... Хоҳласанг ҳар ҳафта кўриб турасан».

Корягин пальтони елкасига илди-ю, телпак ҳам киймай, чиқиб кетди. Қор қиялаб урар, совуқ шамол увилларди. (Москва кўчаларида шамол шиддатли бўлади...) Тонготарга яқин қайтиб келди. Ольга эридан хавотирланиб ухламаган экан. «Совуқ қотиб кетгандирсан? — деди орадан ҳеч гап ўтмагандек. — Дамингни ол, ишга кечикасан»... Корягин индамай нариги хонага кирди. Каравотчасида ухлаб ётган қизининг юзидан ўпди. «Вася, — деди хотини ташвишли шивирлаб. — Болани шамоллатиб қўясан. Қара, ҳаммаёғинг қорку, жоним». Корягин қизалоғи устида бош эгиб тураркан, энди мана шу жажжи вужуд дунёда ўзининг энг азиз одами бўлиб қолганнии теран ҳис этди!...

У ҳамон дераза олдида тураркан, аллақачон унутилиб кетган нохуш хотира нега айнан шу паллада хаёлига келганини тушунмади. Кейин нима учундир икки кун илгари қишлоққа борганида Жумановнинг кампир-хотини юзи янаям хунуклашиб чинқирганини эслади. «Менга отасиз бола керакмас, болаларимни бағримга оламан-у, ўзимга ўт қўяман!» Дили баттар хуфтон бўлиб, хаёлан қўл силтади. «Билганини қилмайдими, ўша ёввойи!»

Деразадан нари кетаркан, яна бир карра осмонга қаради. Қуёш ҳали ботмаган, осмон ғуборли, онда-сонда исқирт булут парчалари кўринар, ташқаридан дим ҳаво ёпирилиб кирарди. Шошилмай стол ёнига бориб ўтирди. Томоғи қақраб, тортмани очди. «Пепси-кола» шишасига қўл чўзди. Шиша муздек эди: яқинда холодильникдан олиб чиқишган... Очқични стол устига қўйди. Тиқинни очмоқчи бўлди-ю, нафсини тийди. «Кейин». Шишани тағин тортмага солди.

Йўлакда қадам товушлари, соқчининг «тик тур!» деган буйруғи эшитилди. Эшик очилиб, ёш сержант кўринди.

— Ўртоқ терговчи...

— Сиз бўшсиз! — деди Корягин қуруққина қилиб.

Жуманов эшик олдида тўхтади. Катак кўйлаги ғижимланган. Шимининг бир почасини негадир қайириб олган. Соқоли ўсиб кетган, юзи шишган...

Кейинги пайтда Корягин уни ҳар кўрганда беихтиёр асабийлашарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бироқ ўзини босди.

— Ўтиринг, Жуманов! — деди вазминлик билан.

Жуманов оғир қадам босиб, рўпарадаги табуреткага ўтирди. Зўр бериб, билакларини силай бошлади. (Қўллари титрар эди.)

«Кишан сиқдими? Шунақа! Кишан дегани — билакузук эмас».

— Хўш, Жуманов, бошлаймизми? — Корягин делони шошилмай варақлади. Энг муҳими далилларни алоҳида диққат билан «қайта ўқиб чиқди...» Кейин айбланувчининг кўзига синовчан тикилди.

Жуманов ҳамон билакларини силаган кўйи ерга қараб ўтирарди. Кўзлари қизариб кетган, лаблари порс-порс ёрилган, оғир нафас олади.

— Шикоят йўқми, Жуманов? Соғлиқ яхшими?

Расмиятчилик... Майли, буям керакда... «Уч кундан бери уйқу йўқми? Камерадаги иккита рецедивист итнинг боласидай дўпposладими? Дўппосласа-ку, майли... Кўнглига сиққанча хўрлагандир? Гапир! Саводинг жойида. Йўл-йўриқни биласан, Москвада ўқигансан... Айтавер! Қонунга хилоф иш қилишяпти, менга ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб беряптилар демайсанми? Демайсан! Негаки қонунни аввал боши ўзинг бузгансан! Нима, шунча қилғиликларинг эвазига биз сени бошимизга кўтаришимиз керакми?»

— Сиздан сўраяпман, Жуманов! Шикоят йўқми?

Жуманов оғир бош кўтарди, гапирмоқчи эди, бўғзидан хириллаган овоз чиқди. Порсиллаган лабини ялаб қўйди.

«Э, ҳа-а! «Камерадош»ларинг бир суткадан бери сув ичгани қўймаяптими? Нафас олсанг ичингга олов киряптими? Чанқоқ азоби ёмон... Айниқса мана бу дўзах иссиғида».

Корягин шошилмасдан тортмани очди. «Пепси-кола» шишасини стол устига қўйди. Тортмада турган стаканни излаган бўлиб, узоқ титкилади. Ниҳоят, стаканни ҳам шиша ёнига қўйди. Очқич излаб, гоҳ у чўнтагини, гоҳ бу чўнтагини кавлади.

— Қаёққа йўқолди, шайтон олгур!.. Иссиқни қаранг, Жуманов, — деди очиқ деразага аланглаб. — Умуман, бу томонларда ёмғир ёғадими ўзи? — Бу гапларни айтар экан, айбланувчига бирон марта қайрилиб қарамади. Ниҳоят очқич «топилди». «Дело» тагида ётган экан. Темир тиқинни очди. Шиша оғзи кўпириб, муздек ҳовур кўтарилди. Сувни шошилмасдан қиррадор стаканга қуйди. «Пепси-кола» тағин кўпирди. Салқин, ёқимли ис хонани тутиб кетгандек бўлди... Ниҳоятда хотиржамлик билан хўплади.

— Ў-ўў! — деди чуқур хўрсинб. — Жоннинг роҳати-я, Жуманов... — стаканни столга қўймай, унга тешиб юборгудек тикилди.

Жумановнинг қизарган кўзлари ярқиллаб очилиб кетган, шишган лабларини муттасил яларди.

— Пепсига қалайсиз, Жуманов? — Корягин стаканга яна сув қўйди. Тағин салқин буғ кўтарилди.

Жуманов ғайритабиий чаққонлик билан ўрнидан турди. Бир-икки қадам босган эди, Корягин ниҳоятда хотиржам огоҳлантирди.

— Ўтирилсин! — «Дело»ни тағин ҳафсаласиз варақлашга тушди. Зимдан разм солиб турди. Жуманов жойига ўтирганича, бир нуқтага тикилган кўйи бошини хам қилганини назардан қочирмай, қоғозлардан бирини ажратиб олиб, (эҳтимол юзинчи мартадир) осойишта овозда ўқий бошлади. — «Мен собиқ обком секретари (исми-шарифини аниқ-равшан қилиб айтди) шуни тан олиб айтаманки, «XXV партсъезд» совхозининг директори Жуманов Панжи мазкур лавозимни сотиб олиш учун менга қирқ минг сўм пора берган. Пулни дипломатда обком дачасига (Корягин ўша йил, ўша кунни аниқ айтди) тунги соат йигирма учдан ўттиз минут ўтганда олиб борган».

Жуманов ҳамон ердан кўз узмай ўтирарди.

— «Дим-дим» ўйнаш етар энди? «Пепси» ичасизми? — Корягин ўтирган жойида стаканни узатди. — Марҳамат!

Жуманов яқин келиши билан стаканни бери тортди.

— Ёш болага ўхшайсиз! — деди самимият билан. — Наҳот бизни шунчалик гўл деб ўйласангиз? Ишонинг, бизга шахсан сизнинг керагингиз йўқ. Совет қонуни гуманний. Чин юракдан тавба қилганларни кечиради. Мана... — у бир варақ қоғозни «дело» орасидан олиб, стол қиррасига сурди. — Шунга қўл қўйсангиз бас.

Жуманов стол рўпарасида турар, қизарган кўзлари чўғдек ёниб, стаканга тикилиб қолган, сарғайган бодрингдек тилини чиқариб, ҳансираб нафас оларди.

— Марҳамат! — деди Корягин ручка узатиб. — Мана бу ерга.

Жумановнинг кўзида умид сўнди. Стакандаги сувга яна бир лаҳза термилиб турди-да, гандираклагудек қадам босган кўйи жойига бориб ўтирди.

Терговчи совуқ кўпириб турган сувни бамайлихотир ичди.

— Сиз, — деди беихтиёр кекириб. (Лаънати, гази мунча кўп!). — Ғалати одамсиз... Обком секретари показаниесида ҳаммасини ёзиб қўйган бўлса... Узоқ сукут сақлади-да, осойишта оҳангда давом этди. — Обком ёлғиз сизнинг оёғингиздан тортяпти, деб ўйлайсизми? Адашасиз, у туллак кўплардан пора ундирган: райкомлар, раислар... пахта тозалаш заводлари... приёмшиклар... Энди эса сувдан қуруқ чиқиш учун айбни бошқаларга тўнкаяпти. Аслида ҳаммани пора беришга ўзи мажбур қилган. Жумладан сизни ҳам.

Айбланувчи алланима деб ғўлдиради.

— Нима?

Жуманов энтикиб-энтикиб нафас олди. Оғзидан чиққан сўз бўғзида қолиб кетаётганга ўхшарди.

— Аниқ гапиринг, Жуманов! — Корягин ёзишга шайланиб, қўлига ручка олди.

— Мажбур қилишди... — деди Жуманов ҳар сўзини бўлиб-бўлиб. — Директор бўласан... дейишди. қолоқ совхозни кўтарасан... дейишди... — Нафаси қайтиб хириллаб қолди. — Шу... — деди ҳолсизланиб.

— Шошманг! — Корягин стаканга яна «пепси» қуйди. Жиндай... Икки қултум. — Ичинг! — деди қовоғини солиб.

Бу сафар Жуманов ўрнидан турмади.

— Нима, ўзим обориб беришим керакми?

Корягин бу гапни шунақа самимий жаҳл билан айтдики, Жуманов илкис ўрнидан турди. Ғайритабиий чаққонлик билан яқин келди. Бироқ Корягиннинг ўзи узатмагунча стаканга қўл чўзмади. Кейин сувни ютоқиб ичди-ю, шиша тагида қолган «пепси»га илтижоли мўлтираб қаради.

«Яхши! Чанқаган одам бир қултум сув ичдими, баттар қийналади».

— Ўтиринг! — Корягин унинг иккиланиб турганини кўриб, секин, аммо қатъий оҳангда буюрди. — Стаканни жойига қўйинг!

Жуманов икки кўзини шишадан узмай, тисарилиб бориб, табуреткага чўкди.

— Мажбур қилишди, денг! Мана бу — бошқа гап! — деди терговчи деярли дўстона оҳангда. — Сиз бўлса ўргатилган тўтиқушдай бир гапни қайтарасиз. «Туҳмат! Туҳмат!» Ахир сизни мажбур қилишган экан-ку! Шуни аввалроқ айтиш керак эди. Биламиз, қўрқитишган, директор бўлмасанг партиядан ўчасан, дейишган. Кейин обком пора талаб қилган. Сизнинг кўнишдан бошқа чорангиз қолмаган.

Жуманов бир нуқтадан кўз узмай ўтирарди.

— Тушунинг, Жуманов! — деди терговчи яна ҳам хайрихоҳроқ оҳангда. — Обком устингиздан мағзава ағдариб ётибди-ю, сиз уни ҳимоя қилмоқчи бўласиз. Бир гапни айтайми?.. Ўзаро гап. Уйингизга борувдим. Қизингиз бетоб экан.

Жуманов бошини кўтарди. Қизарган кўзларида хавотир, армон бор эди.

— Ҳаяжонланманг, — деди Корягин юпатиб. — Қизалоққа ёрдам берамиз. Ақлли қиз кўринади... Гап бундамас... Биласизми, порани ўз ихтиёри билан топшириш бошқа, мажбур бўлиб бериш бошқа... Обком сизни директорликни сотиб олган деяпти. Сиз бўлса, қўрққанингиздан, мажбур бўлиб пора бергансиз... Фарқни англаяпсизми?.. Дарвоқе эгизакларингиз шўх экан. Сизни соғинган кўринади. Табиий ҳол... Айтяпманку, бизга сизнинг керагингиз йўқ. Сиз, оддий килькасиз. Акулалар бошқа. Шахсан менга қолса сизни эртакгаёқ чиқариб юборишга тайёрман. Албатта, ишни суд ҳал қилади. Лекин...

— Юзлаштиринг! — деди Жуманов совуқ қатъият билан. Энди овози ғўлдираб чиқмас, ҳар қалай, гапини англаса бўларди. — Мен бермаган порани бердим деёлмайман.

Давоми келгуси сонда

«Тошкент оқшоми»

# Ҳуқуқий Маслаҳатхонаси

## Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – ҳаёт мезони

**(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)**

( Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

### 2.4. Турар жойдан кўчиришнинг асоси, тартиби ва оқибати

**56. Фуқарони турар жойдан кўчириш қайси қонун хужжатлари нормаларига асосан амалга оширилади?**

Фуқаронинг эгаллаб турган жойидан кўчирилишига фақат ***Уй-жой кодексида белгиланган асосларда*** йўл қўйилади.

Кўчириш суд тартибида амалга оширилади.

**57. Фуқарони уй ёки турар жойдан маъмурий тартибда кўчириш мумкинми?**

Ҳа. Фуқаро қуйидаги ҳолларда, хусусан:

1) турар жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган бўлса;

2) авария ҳолатида деб топилган уйда яшаётган бўлса;

3) авария ҳолатида бўлган уйда яшаётган бўлса, бу турар жой ёки уйдан прокурор санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчирилади.

Фуқаро прокурорнинг маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, бу қарор устидан судга шикоят қилиши мумкин ***(Уй-жой кодексининг 70-моддаси).***

**58. Турар жойдан кўчириладиган шахслар ҳам фарқланадими?**

Турар жойдан кўчириладиган шахсларнинг икки тоифасини бир-биридан фарқлай билиш керак.

Турар жой мулкдорларидан бирининг кўчирилиши бошқа-ю, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқигагина эга бўлган шахсларнинг кўчирилиши бутунлай бошқа нарса. Ҳар иккала йўналишдаги ҳаракат оқибати ҳам бир хил эмас.

**59. Турар жой мулкдорини ёки мулкдорларидан бирини кўчириш қай йўсинда амалга оширилади?**

Турар жой мулкдорларининг хусусийлаштирилган бир квартира ёки уйда бирга яшашининг имкони бўлмаган тақдирда суднинг қарорига биноан мулкдорлардан бири кўчирилиб, бошқасининг зиммасига квартира ёки уйнинг тегишли қисми учун кўчирилган мулкдорга суд ишни кўриб чиққан кундаги бозор баҳосида пулини тўлаш ёки унинг умумий мулкдаги улушига мос келадиган бошқа турар жойни сотиб олиб бериш мажбурияти юкланиши мумкин ***(Уй-жой кодексининг 32-моддаси).***

**60. Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқигагина эга бўлган шахсларни кўчириш қай йўсинда амалга оширилади?**

Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқигагина эга бўлган шахсларнинг бир квартира ёки уйда бирга яшашининг имкони бўлмаганлиги сабабли кўчирилиши суд тартибида уларга бошқа турар жой берилмаган ҳолда амалга оширилади.

Бирга яшашнинг имкони йўқлиги тушунчаси шахс турмуш қоидаларини мунтазам равишда бузиб келаётганлигини, огоҳлантириш ва жамоат таъсир чоралари, хусусан маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама этиш, маъмурий жавобгарликка тортиш ва шу сингари чоралар самара бермаганлигини англатади.

Кўчириш тўғрисидаги даъво аризасини беришда кўчириб киритиш тўғрисидаги даъво аризасини беришдаги тартибга риоя этилади ***(55-саволнинг жавобига қаранг).***

**61. Фуқароларни бошқа турар жой берган ҳолда кўчириш қонун ҳужжатларида назарда тутилганми?**

Фуқароларга бошқа обод турар жой берган ҳолда уларни қуйидаги сабабларга кўра кўчириш кўзда тутилган:

агар турар жой жойлашган уй бузилиши керак бўлса;

турар жой белгиланган тартибда авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса;

турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилаётган бўлса.

**62. Фуқаролар яшаётган турар жой жойлашган уй давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун бузилиши керак бўлса ёки бу турар жой яшаш учун мўлжалланган жойлар қаторидан чиқарилаётган бўлса, фуқаролар уй-жой билан таъминланадими?**

Фуқаролар яшаётган турар жойлар жойлашган давлат уй-жой фондидаги уйлар – муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйлари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузилиши керак бўлса ёхуд турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлса, ушбу турар жойдан кўчирилаётган фуқароларга бошқа обод турар жой берилади.

Бу турар жой қайси корхона, муассаса, ташкилотга ер участкаси ажратилаётган ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлган турар жой берилаётган бўлса, ўша корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилади ***(Уй-жой кодексининг 71-моддаси).***

(Давоми бор)

• ҲУҚУҚ МУҲОФАЗАСИДА

## Дастлабки, лекин салмоқли қадамлар

**Ҳозирда инсон саломатлиги, унинг руҳий ҳолати атроф-муҳитнинг қай даражада тозалигига ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Шу сабабдан ҳам экологик муҳитни асраш, табиатга зарар етказишнинг олдини олиш мақсадида бир қанча қонунлар, қарорлар қабул қилинган. Албатта, ушбу қонун ва қарорларнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББнинг ЙҲХБ таркибида янги Экотранс отряди ташкил этилди.**

Ушбу тузилманинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, отряд ходимларининг хизмат жараёнида ўрнак бўлса арзийдиган жиҳатлари кўп. Айни вақтда улар пойтахтимизнинг чегара ҳудудларидаги ЙПХ масканларида ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда. Экотранс ходимларининг асосий вазифаси шаҳримизга кириб келаётган барча транспорт воситаларининг техник ҳолатининг соз ёки носозлигини текшириш бўлиб, аниқланган нуқсонлар ўша жойнинг ўзида Тошкент ЭКО масъулияти чекланган жамиятининг операторлари ёрдамида тезкор суръатда тузатилади. Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш, шаҳримизга кириб келаётган ҳар хил ғаразли ниятли кишиларнинг йўлига тўсиқ бўлишдек масъулиятли вазифа ҳам уларнинг зиммасига юклатилган. Пойтахтимизга ноқонуний товар-моддий бойликларнинг кириб келишига йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш борасида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Экотранс отряди ташкил топган фурсатдан буён ходимлари томонидан 28000 дан ортиқ автомобилар назоратдан ўтказилиб, улардан чиқадиган $CO_2$ гази миқдори ўлчанди ҳамда уч ой муддатга кафолатланган экоталони берилди. Шу билан биргаликда отряд ходимлари томонидан 29 миллион сўмликдан ортиқ ноқонуний тарзда келтирилаётган товар-моддий бойликлари мусодара қилинди ҳамда мамлакатимиздан олиб чиқиб кетилаётган қанчадан-қанча хом ашё бойликлари ўз вақтида ушлаб қолинди. Албатта, бу ноқонуний товар-моддий бойликларни тегишли қонунларимизга таянган ҳолда давлат хазинасига топшириш Экотранс ходимларига осонликча кечгани йўқ. Айтишади-ку, «Мол аччиғи — жон аччиғи» деб. Лекин Экотранс ходимлари ўз хизмат вазифасига ва илк марта ўз хизмат либосини кийганида ичган қасамига ҳар доимгидек содиқ қолиб, қоидабузарларнинг бўйнидан илинтиришмоқда. Масалан, «Бектемир» ЙПХ масканида милиция старшиналари М. Ашуров ва С. Салимзодалар давлат рақами 10 9837 «Дамас» русумли автомобилни тўхтатишганда, унинг юкхонасидан Б.Ж.га тегишли Россияда ишлаб чиқарилган 8 турдаги 7853 дона 15416000 сўмлик шоколад ва пишлоқ маҳсулотлари ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб келинаётганлиги маълум бўлди. Бу маҳсулотлар мусодара этилиб, Бектемир тумани ДСИсига топширилди. Тошкент Ҳалқа йўлида милиция капитанлари Т. Одилов, Б. Норбеков ҳамда милиция сержанти А. Юсуповлар «ГАЗ 24» русумли 10Г4111 рақамли автоуловни тўхтатишганида юқоридаги сингари ҳолатнинг гувоҳи бўлишди. Автомобиль ичидан умумий нархи 2900000 сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган 26 та қути 312 ўрам деворга ёпиштириладиган гулқоғоз ва Эронда тайёрланган қандиллар олинди.

Шу ўринда алоҳида қайд қилиш жоизки, мазкур «ишбилармонлар» ноқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб киришга ҳамда ҳар хил хом ашё ресурсларини қўшни республикаларга чиқаришда ички ишлар ходимларининг кўзини шамғалат қилиш учун турли йўллардан фойдаланишса-да, «эп»ини қилишолмаяпти. Худди шундай ўзини ҳар бир ишнинг устаси фаранги деб билувчилар «Бектемир» ЙПХ масканида милиция майори Р. Муҳитдинов, милиция сержантлари М. Джаматов ва Н. Олимовларга чап беришa олмаяптилар. Улар КАМАЗ русумли 10АП011 рақамли автоуловни тўхтатишганда материаллар остига яширилган, 2000000 сўмда баҳоланадиган 134 та қутида 10 турдаги Хитойда тайёрланган 20702 дона чинни идишларнинг ноқонуний равишда олиб ўтилаётганлигини фош қилишди. «Бахт» ЙПХ масканида милиция ходимлари Ж. Мусабоев, К. Абдураҳмонов ҳамда Р. Қуватбоевлар ММЗ-4502 11 К 2637 рақамли автомобилни тўхтатганида, унинг юкхонасидаги мол гўнги ходимларни таажжубга солди. Шунга қарамай Экотранс назорати ходимлари калаванинг учини топмагунча қўйишмади. Зудлик билан ИИББга олиб бориб текширув ишлари ўтказилди. Текширувдан сўнг маълум бўлишича, юкхонадаги гўнглар «ниқоб» вазифасини бажарган экан. Унинг тагида эса 1050 килограмм рангли металл борлиги аниқланди. Ушбу ҳолнинг яна бир кўриниши айнан ўша куни «Бектемир» ЙПХ масканида ҳам такрорланди. Милиция старшинаси Э. Рўзиев, милиция старшиналари М. Джаматов ва М. Олимовлар ЗИЛ-130 русумли 10 АС 283 рақамга эга автоуловни тўхтатишганида, кузовдаги мол гўнглари зийрак ходимларда шубҳа уйғотди. Тезда гўнгнинг «сирли» ечимини топиш мақсадида ИИББга олиб келинди. Бу гал ҳам гўнгнинг тагида 1 тонна 200 килограмм рангли металл борлиги аниқланди.

Бундан ташқари бошқа турдаги жиноятларнинг очилишида ҳам ушбу отряд Тошкент милициясининг бошқа тизимларига қўл-қанот бўлмоқда. Чунончи, «Бектемир» ЙПХ масканида М. Джаматов томонидан Бекобод-Тошкент йўналишидаги автобусда Бекободда жиноят содир қилиб қидирувда юрган жиноятчи фуқаро А. А. қўлга олинди ва Бектемир ТИИБга топширилди. «Келес» блок-постида эса «ГАЗ-31» автоулови тўхтатилганда, унинг автологик хонасида ўқ отар қуроли борлиги аниқланди ва унинг соҳиби А. В. С. Раҳимов ТИИБга топширилди.

Биз эндигина тетапоя қадамини ташлаган Экотранс отряди ходимлари нафақат атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишда, балки элу юрт, давлат манфаатини эгри ниятли кимсалардан ҳимоя қилиб ҳам қалқон бўлишига тилакдошмиз.

**Гулчехра САЙИДМУРОДОВА**

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**9-15 июнда**

**БУГУН** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Ўзбекфильм» маҳсулоти «Ёдгор» бадиий фильми соат 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00 да бошланади.

◆ Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Т. Минуллин асари «Алмандар уйланармиш» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

**10 июнда**

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида В. Шекспир асари «Гамлет» спектакли соат 18.00 да бошланади.

◆ Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида Исфандиёрнинг «Отасининг қизи» спектакли соат 14.00 да намойиш этилади.

**11 июнда**

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» спектакли соат 11.00 да бошланади.

**12 июнда**

◆ Халқлар дўстлиги саройида «Ёшлар» телерадио компаниясининг 5 йиллиги муносабати билан таниқли санъаткорлар ва кулги усталари ижросида катта концерт соат 19.00 да бошланади.

◆ «Қозоғистон» номли кинотеатрда «Матрица» («Перегрузка») соат 12.00 да, «Люди Х-2» соат 14.30, 19.30 ва «Агент Жони инглиш» (Америка) бадиий фильмлари соат 17.00 да намойиш этилади.

**13 июнда**

◆ Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Х. Даврон асари «Бобуршоҳ» спектакли соат 18.00 да бошланади.

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида ака-ука Ғафур ва Ғулом Эшжоновларнинг концерт дастури соат 18.00 да намойиш этилади.

◆ Республика қўғирчоқ театрида «Ассалом Наврўз!» спектакли соат 10.00, 12.00 да намойиш қилинади.

**14 июнда**

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида Э. Хушвақтов асари «Чимилдиқ» спектакли соат 18.00 да бошланади.

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Сеҳрланган шаҳзода» спектакли соат 11.00 да намойиш этилади.

**15 июнда**

◆ Халқлар дўстлиги саройида 15-16 июнда хушовоз хонанда Хоразм булбули Оғабек Собировнинг «Мен ўзбекнинг ўғлиман» деб номланган янги концерт дастури соат 19.00 да бошланади.

◆ Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрида «Раймонда» балети соат 17.00 намойиш қилинади.

◆ Республика Қўғирчоқ театрида «Темирчи ва Малика ҳақида эртак» спектакли соат 11.00, 12.00 да бошланади.

## Шарқ дурдоналари

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...**

● Қадим замонда бир шоҳ бўлган экан. У шунчалик ёвуз эканки, одамларни мол-дунёсидан айириб, пул қилишдан завқланса, шаҳару қишлоқларнинг кулини кўкка совуриб, гўдаклар қонини оқизиб, лаззатланар экан. Бир куни шоҳ қўшни мамлакатни забт этмоқчи бўлибди. Аммо, жангда осонлик билан мақсадга етолмабди. Ўйлай-ўйлай ҳийла ишлатиб, сотқинларни ишга солиб, мамлакат подшоҳини ўлдирибди. Ўзи эса маликага совчи қўйибди.

Малика ориятли аёл экан. Номусини, юртини ширин жонидан афзал билиб, элга бош бўлиб, душмандан ўч олишга аҳд қилибди. Мардона кийиниб, майдонга чиқибди. Аммо жанг бошланмасдан олдин икки энлик мактуб ёзиб қонхўр шоҳга жўнатибди. Мактубда эса шундай сўзлар битилган экан: «Эй улуғ шоҳ, шунча мағрурлигинг, салоҳиятинг билан жангда енгилсанг, аҳли олам бир умр «Аёлдан енгилган шоҳ» деб устингдан кулиб юради. Агар омад сенга боқиб ғолиб келсанг, «Аёл билан тенглашган шоҳ» деб элнинг улуғ лаънатига қоласан».

Шундан сўнг айёр шоҳ маликага қарши урушишга журъат эта олмабди.

Хулоса. Сўзи бутуннинг нону насибаси, эл-юрти бутун.

● **Билимли керакли сўзни сўзлайди,**
**Кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.**

● ҲИКОЯТ. Саъдийнинг «Гулистон» китобида қайд қилинишича, Ҳижоз сафарига чиққан маҳалимда бир неча софдил кишилар менга ҳамроҳ бўлдилар. Улар гоҳо аскиябозлик қилишар ва гоҳо ҳикматли шеърлар ўқишарди. Дарвешларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дарди дилларидан бехабар бир обид то Бани Ҳилол работига еткунча бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Ҳилол работида араблар қароргоҳидан буғдой рангли бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан қўшиқ айтишга киришдики, самодаги қушлар ерга тушдилар. Обиднинг туяси уни ағдариб ташлаб, саҳрога қараб қочди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг қўшиғи ҳатто ҳайвонга ҳам таъсир этдию лекин сенга таъсир этмади».

«Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти меҳнат жамоаси «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасининг бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқовга невараси

**ЖАСУРБЕКнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**• ТАНЛОВЛАР**

# «САНЪАТИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ»

**Санъат — тинчлик тимсоли. Дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик элчиси. Санъатга ошуфта дил эса ҳеч қачон ёмонликка юз бурмайди. Шунинг учун ҳам келажагимиз мевалари бўлмиш болажонларимиз, умид гулғунчаларимизнинг маънавияти юксак, она-Ватан, ота-она, яқинларига садоқатли бўлиб вояга етишлари йўлида давлатимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда.**

Хусусан икки йилдан бери болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келаётган «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови ҳам мана шундай эзгу ниятни ўзида мужассам этган.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясининг муҳташам кошонасида ушбу кўрик-танлов совриндорларининг якунловчи концерт дастури бўлиб ўтди. Ўқувчиларнинг билими, иқтидори ва истеъдодини кўрикдан ўтказган ушбу танловда 30 дан ортиқ мусиқа ва санъат мактабларининг 130 нафар жажжи иқтидорлари қатнашдилар. Санъатнинг барча турлари бўйича учта босқичда бўлиб ўтган ушбу танловда ўз ижроси, санъатга бўлган меҳр-муҳаббати, юксак истеъдоди билан тенгдошларидан ажралиб турган 27 нафар ўқувчи ғолибликни қўлга киритди. Ғолибларнинг 16 нафари энг олий даражадаги ўринга муносиб деб топилди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов, Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Рустам Ҳамидовлар сўзга чиқиб совриндорларни эришган муваффақиятлари билан самимий муборакбод этдилар, келгусидаги ўқиш ва ишларида омадлар тилаб, мустақил Ўзбекистонимиз довруғини, бебаҳо санъат дурдоналарини жаҳонга олиб чиқувчи энг таниқли инсонлар қаторидан ўрин олишларига тилак билдирдилар.

Танлов ғолибларига биринчи даражали диплом ва эсдалик совғалари топширилди. «Энг яхши мусиқа мактаби» йўналиши бўйича ғолибликни Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа мактаби қўлга киритди.

Тадбир давомида ғолиблар ижросида янграган куй ва қўшиқлар, дилга яқин наволар, айниқса Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа мактаби скрипкачилар ансамбли, Юнусобод туманидаги 26-болалар мусиқа мактаби хор жамоаси, «Умид юлдузлари» танловининг икки карра совриндори, Чилонзор туманидаги 3-болалар санъат мактаби ўқувчиси С.Ишмуҳаммедов ижролари барча йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан олқишланди.

Ўзларига билдирилган юксак эҳтиром ва эътибордан, эришилган ғалабадан гул-гул яшнаб турган танлов ғолибалари билан дилдан суҳбатлашдик.

**Нозима ПЎЛАТОВА,**
**11-болалар мусиқа мактаби, Шайхонтоҳур тумани.**

— Мен бугун шундай хурсандманки, танлов ғолибаси бўламан деб ўйламагандим. Роса ҳаракат қилиб, ўқиб, изланиб, кеча-кундуз тайёргарлик кўрган эдим. Устозларимга раҳмат, Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлишга, санъат сирларини янада мукаммал ўрганишга ҳаракат қиламан.

**Шоира МУҲАМЕДОВА.**



**СУРАТДА: «Санъатимиз ғунчалари» кўрик-танлови совриндорлари.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ КОЛЛЕЖИ 2003-2004 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА ЎҚИШ УЧУН**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**I. МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ — (европа гуруҳи)**
1. 9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги)
2. 11 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги ва сиртқи бўлимга шартнома (контракт) асосида)

**II. САРТАРОШЛИК САНЪАТИ ВА ДЕКОРАТИВ КОСМЕТИКА — (европа гуруҳи)**
1. 9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги)

**III. АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТЕХНИК—ТЕХНОЛОГ—КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ ЙЎНАЛИШИ (европа гуруҳи)**
1. 9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги)

**IV. ҲУҚУҚШУНОСЛИК — (миллий ва европа гуруҳлари)**
1. 9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги)
2. 11 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги ва сиртқи бўлимга шартнома (контракт) асосида)

**V. ҲУҚУҚ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ, ҲУҚУҚШУНОС—ИҚТИСОДЧИ — (миллий ва европа гуруҳлари)**
1. 9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги)
2. 11 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги ва сиртқи бўлимга шартнома (контракт) асосида)

**VI. ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ — (миллий ва европа гуруҳлари)**
1. 9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги)
2. 11 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги ва сиртқи бўлимга шартнома (контракт) асосида)

**VII. БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ — (миллий ва европа гуруҳлари)**
1. 9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги)
2. 11 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар (кундузги ва сиртқи бўлимга шартнома (контракт) асосида)

**ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**
**ҲУЖЖАТЛАР 2003 ЙИЛНИНГ 31 ИЮЛИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:**
1. Шаҳодатнома 9 ва 11 синф (асл нусха)
2. Тиббий маълумотнома Ф—086.
3. Расм 3х4=6 дона
4. Туман халқ таълими бўлимидан тавсивнома 9-11 синфлар учун (кундузги бўлимга)
5. Истиқомат қилаётган жойидан маълумотнома

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели—1, Лутфкор кўчаси, 33.**

**Телефонлар: 58-38-85, 57-57-29**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5952 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-457. Топширилди 12.45 1 2 3 4 5 6